



ФЕРУЗА буйраксимон бўлиб, ўсимта, кичик томир, зарра (дона) ҳолатида, оқ гил, қўнғир темир минераллари ва бошқа тоғ жинслари орасида учрайди. Ранги тинч, осмон ранг, яшил-ҳаворанг, яшил-қулагилда бўлади. Одатда феруза мўрт минерал. Пичоқни ўтмаслаштиради. Ҳазини эво билан қирилади. Таркиби алюминий ва мис фосфатидан иборат бўлиб, 10,5 фоиз сув сақлайди. Абу Райхон Бериуний ўз китобида феруза ҳақида шундай деб ёзган: «Бу ҳаворанг тош лазуритдан қаттиқ. У Нишопур яқинидаги Сан тоғларидан қазиб олинади ва бозорларда сотилади. Уни силлиқлаш, япилаш учун сув ишлатса бўлади. Сўнг эвога шав ва юмшатиш мақсадида мой суртилади. Феруза қанча кам бўлса шунча қимматдир. Вақт ўтгани билан унинг қаттиқлиги ошиб, ранги қуёқлашади».

Феруза аслини олганда энг қадимий, қимматбаҳо

ферузанинг нодир ва ақолий коллекциялари тўпланган. Улар киши нигоҳини қамаштиради ва инсонни ҳайратга солади. Қадим замонларда бойлар орасида қадаҳлар, чой идишлари ва чилимларни феруза билан безаш одат тусига кирган. Ҳозирги кунда Хитойда махсулот бериб турган Юйсен феруза қони дунё бўйича энг катта ҳисобланади. Америкада эса фақат ҳиндулар феруза билан шуғулланиб кумушга жойлаштирилган бўйин маржонларини ясайдилар. Шунинг учун бўлса керак феруза билан безатилган турли зебу зийнатлар Американи Колумб оқмасдан илгари мазор ва мақбаралар қазилганда кўп-кўп топилган. Американинг Невада ва Нью-Мехико штатларида феруза қонлари кўп. У қонларда тоқо икки килограммлик феруза кристаллари учраб, бир марта ҳатто 30 килограммга эга бўлган яхлит феруза ҳам топилган.

* Маъданлар сири

ФЕРУЗА БАХТ КЕЛТИРАДИМИ?

рангдор тошлардан ҳисобланади. У қадимда асосан зебу-зийнат учунгина кенг қўлланган. Тарих маълумотларига кўра дунё бозорига феруза асосан тўрт томондан келтирилган: биринчиси Синай ярми оролининг гарбий томони бўлиб, бу ердан асосан қадимий Миср фиръавнлари феруза қазиб олганлар; иккинчиси бироз кейинроқ Марказий Осиё ва Шимолӣ Эрон ферузага асосий манба бўлиб қолган; учинчиси Хитойда феруза ўзининг халқига хизмат қилган ҳолда ва уни дунё билмас эди; тўртинчиси Америка қитъаси ҳисобланади, бу феруза қадимий бой-бойларнинг зебу-зийнатларида ва уй-ўрғон буюмларида борлиги қўзғатилган. Қизғин шу ердан, ана шу тўрт жойда қадимда топилган феруза қонлари ҳамон махсулот бериб келди ва ҳанузгача янги феруза қонлари қашф этилганича йўқ. Археологик топилмаларга кўра Синай ярми оролиндаги феруза қонлари эрамыздан 5300 йил муқаддас ҳуқмдорлик қилган фиръавн Семехет XII вақтида ишга туширилган. Марказий Осиё ва Шимолӣ Эронда эса феруза форс ҳуқмдорлари томонидан қазиб олина бошлаган. Шунга қайт этиб ўттиш керакки, Шимолӣ Эрондаги Хуросон вилоятида Махшад шаҳрининг гарбидида Нишопур ферузаси дунёда энг гўзал ва яшнатар деб таъкидланади ва нисбатан юқори баҳоланади. Ҳозирги кунда Нишопурдан ҳаммаси 500 километр нарида яна бир олий навли феруза берадиган янги қон очилди.

Бир хил оғирликка эга бўлган сифатли феруза олтидан икки-уч баробар қиммат туради. Уч-тўртта феруза қонига эга бўлган Эрон ҳуқммати ферузани асосан Ҳиндистон ва Гарбий Германияга жўнатиб туради. Эрон шохлари хазинасида

Исмоний тарихининг бошланғич даврларида тошлар фақат қимматбаҳо бўлиб қолмай, уларга мўъжизакор хоссалар деб ҳам эътиқод қилганлар. Масалан, «монолит» қорамтир тоғ билдурини қимда-қим бўйида осиб юрса меланхолия ва қорин пишшиш касаллигининг дорин бўлади. Агар сипоҳи ўз қурулини чап томонига олмас қаданган бўлса, урушда ўлмас эмиш. Узук қўзғалдири ёмон тушлардан қасб, уйқусираб турини кетишларни йўқотди. Зумраднинг майдаси ичмас заҳарлини, илон чақши, алам ва ўлимдан сақланади. Ақик мастликдан даволар ва ёмон ҳаёлларни ҳайдар эмиш. Бундан ташқари яна бир неча ривоятлар мавжуд. Жумладан, олмас гуноҳсизлик, агаг узоқ умр кўриш ва соғломлик, топаз — дўстлик, феруза — касал қизларни сотишда омад келтириш тимсоли эмиш. Ҳар қандай инсон бахтли бўлиши учун ўз тутилган ойига таллуқли тошни тақиб юриш шарт экан; январь — учун — гиадиги еки гранат, февраль — аметист, март — яшма, апрель — сапфир ва олмас, май — зумрад, июнь — халцедон еки агаг, июль — сердолик ва ёқут, август — сардоникс, сентябрь — хрозолит, октябрь — ақмамарин еки опал, ноябрь — топаз ва декабрь — хризопраз ва феруза. Бу ақидалар бахтга қарши жуда ҳам ҳаётчан бўлиб қолган.

Юқорида келтирилган қимматбаҳо тошлар ҳақидаги маълумотлар шундан далolat берадики, улар бир қараганда арзимас, олдийги на нарса бўлсалар ҳам дунё бўйича ҳисобланганда вазиим ва эътиборга сазовор сармолдирлар.

Мирзашир ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
ҳизмат кўрсатган геолог,
геология-минералогия фанлари доктори.

* Хоҳ ишонинг, хоҳ...

ГАП ЁШДА ЭМАС

РАУФНИНГ аҳвол нозир эди. У беш ёшдан ие не асосларини бошдан кечирмади дейсиз? Ёшларини гисланиб ойнаб, йиллаб шифтга қараб ётди. Шунда ҳам қўнғирдан мўъжизали ташламади. Шифтоҳонада даволанаётганда чизган «Она ва бола» расмининг ҳамшираларида бири «Мурзая» журналича юборди, қарангки, шу расм биринчиларини олд. Ушунда чиниолик Рауф Аҳмедов элганига тўққиз ёшга кирган эди. Матонатли расмоз ўз мақсадида етиб, ҳаётлигида ҳақиқий расмлар кўргамаси очиниш эришилди.

13 ЁШЛИ Тамарахоним илк бор халқ қарши-сида 1919 йил Ҳамза Ҳақимзода Ниязининг овозли қандаки қўшғини қуйлаган.

12 ЁШИДАН давлат иши билан шуғулланган, 48 йил умр кўрган, 30 йилдан андёрқо умрини от устида жангу жадалларда ўтказган шоир, саркарда, шох Мирзо Бобур 21 ёшида Қобулни забот этган.

АСЛИ озабайжонлик, Шохрўх замонда Ҳиротда яшаб, қувнида яшаган шоир Қосим Анварнинг

Рангмунг ошкени
жаҳонсўз жоме чок,
Бо давлати гами тузи
фитри жаҳон чи бок.


байтини Алишер Навоий уч ёшда ёд олган. Алишер болалигидаёқ Куръонни қироат билан ўқиган, йигитлик чоғида эллик минг байт шеърни ёд билган.

МАШХУР ўзбек соҳибкори Ризмат Ота Мусаммадов 80 ёшида ҳам борбонлик қилган бўлса, Тошкентнинг олди устаси салкам бир аср меҳнат қилган, уста Насиб Ота Икромов — 83 ёшида энг шимали Ҳасимов мадрасаси ҳашида шитирок этган. Каф-фол Шоший маңбараси пештоқини, имом Бухорий масжиди гумбази гиштларини тираётганда у 90 ёшда эди.

Инобат МИРЗАЕВА.

Мўтабар РИХСИДДИНОВА номин Мирзо Улуғбек номин 275-мактаб ўқувчилари ҳаммаша ҳурмат билан тилга оладилар. Негаки она бу билимлар ўқоғида 21 йилдан бери она тили ва адабиётдан ўқувчиларга намунали дарс бериб келади.

СУРАТДА: М. РИХСИДДИНОВА 6-синф ўқувчилари даврасида. Холмат Мирзакаримов суради.



* 1993 йил—Ҳожа Аҳмад Яссавий иили

Фахриддин АЛИ САФИЙ

Туркистон мулкининг шайхул машойихи

(«РАШАҲОТ АЙНУЛ ҲАЁТ» КИТОВИДАН)

ХОЖА Аҳмад Яссавий Ҳожа Юсуф Ҳамадоний қадаси сиррахунинг учинчи халифаларидир. Турклар у кишини Яссавий ота ҳам дейдилар. Ва «ота» туркча сўз бўлиб, форсийда «падар»дир. Ҳожа Туркистоннинг машхур Ясси деган шаҳрида таваллуд топан бўлиб, кибор машойихлар жумласига кирди. Муборак қабрлари ҳам уша ердадир. Юқори мақом, мартаба ва қароматга эга бўлган соҳиб оят кишидирлар. Болалик пайтларида бу кишига қимасарлик Боб Арслон назар қилганлар. («Боб» сўзига Мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий ҳазратлари ўзларининг «Нафрахот ул-унс» асарларининг «Воби Фарғоний» қисмида шундай таъриф берганлар: «У дийр (Фарғона) дарвешлари улуг машойихларини «Боб» деб атайдилар»). У киши туркларнинг улуг машойихларидандир. Айтишларича, Боб Арслон пайғамбаримиз ҳазрати рисолат саллаллоҳу алайҳи васаллам башоратлари билан Ҳожа Аҳмаднинг ўз тарбияларига олганлар. Ҳожа Аҳмад Боб Арслоннинг хизматларида доимо бўлиб, бу зот вафотларидан сўнг Бухорога, Ҳожа Юсуф хизматларига келиб тўла қамолот ва иршодга етганлар. Кейинги баъзи машойихларнинг рисолаларида бу хонадон шайхлари ҳақида ёзиладики, Ҳожа Абдулло Барқий ва Ҳожа Ҳасан Андоқий вафотларидан сўнг халифалик наватини Ҳожа Аҳмад Яссавийга етган. Ҳожа Аҳмад Бухорода халқни динга даъват қилиш билан машғул бўлганлар. Бироз фурсатдан сўнг ғайб ишорати билан Туркистонга борганлар. Кетмиш олдидан ҳамма асҳобларни жам қилиб, кетганларидан сўнг Ҳожа Абдуллоҳиқ Гиждувоний хизматларида бўлишларини васият қилганлар. Сўнг Ясси шаҳри томонга равона бўдилар. Махфий қолмасинки, Ҳожа Аҳмад Яссавий турк машойихлари халқсининг боши эдилар. Тарикатдан турк машойихлари хонадонидан ҳам кўплаб бузуқлар, азиялар бўлганларки, улар энгир ҳам алоҳида бир китоб бўлгусидир.

Бундан кейин Ҳожа Юсуф Ҳамадонийнинг тўртинчи халифалари Ҳожа Абдуллоҳиқ Гиждувонийнинг халифаликларини бошланади. Улар тўғрисида ҳам мухтасар тўхтаб ўтамиз.

МАНСУР ОТА РАҲМАТУЛЛОҲИ АЛАЙҲ

ҲОЖА Аҳмад Яссавийнинг биринчи халифалари бўлган бу киши Боб Арслоннинг катта фарзандларидир. Илми зоҳир ва ботиндан падаири бузуқворларидан тарбия топанлар. Оталари вафотидан сўнг бу зотга Ҳожа Аҳмад тарбия берганлар, натижада олий даражага, валоиятга эришганлар.

АВДУЛМАЛИК ҲОЖА

МАНСУР Ота фарзандлари бўлиб, оталари вафотларидан сўнг халқни динга даъват қилиш билан машғул бўлганлар.

ТОЖ ҲОЖА РАҲМАТУЛЛОҲИ АЛАЙҲ

АВДУМАЛИК Ҳожанинг фарзандлари бўлиб, Занги Ота падаири бузуқворларидир. Тож Ҳожа дастлабки илм таҳсилдан сўнг тариқат ва ҳақиқат илмида падаири бузуқворларидан тарбия топанлар. Валоият ва қамолот даражасига етганларидан сўнг, ноқислар тарбияси билан машғул бўлганлар.

САИД ОТА РАҲМАТУЛЛОҲИ ТАОЛО

ҲОЖА Аҳмад Яссавийнинг иккинчи халифаларидир. Ҳожанинг ҳидоятлари бўйича муридларини тарбия қилганлар.

СУЛАЙМОН ОТА РАҲМАТУЛЛОҲИ ТАОЛО

ҲОЖА Аҳмаднинг учинчи халифаларидир. У киши турк машойихларининг улугларидан бўлиб, туркийда айтган ҳикматлари Туркистон дарвешлари орасида машхурдир. Жумладан, бу байтлар ҳам у кишининг нафасларига тегишли бўлиб, вақтин ганимат билиш, халқни ҳурмат қилиш ҳақидадир:

Ҳар ким кўрсанг Ҳизр бил,
Ҳар тун кўрсанг қадр бил,

Мана буни эса ўз нафсларига қарата айтганлар:

Барча яхши — биз ямон,
Барча бугдой — биз сомон.

ҲАКИМ ОТА РАҲМАТУЛЛОҲИ ТАОЛО

ҲОЖААнинг тўртинчи халифаларидан бўлиб, турк машойихларининг киборларидан ҳисобланадилар. Халқни ҳақ йўлига даъват қилганлар. Ҳақим Ота Ҳоразмнинг Оқ Кўрғон деган жойидан бўлиб, ўша ерда рихлат қилганлар.

ЗАНГИ ОТА РАҲМАТУЛЛОҲИ ТАОЛО

БУ кишини Занги Вобо деб ҳам айтдилар. Ҳақим Отанинг асҳоб ва халифаларидандир. У киши Шош вилоятида таваллуд топан, муборак қабрлари ҳам уша ердадир. Халқ у ерга зиёратга бориб, ўз муродиға восил бўлади.

Мавлоно Муҳаммад Қозин раҳматуллоҳи алайҳ Занги Отадан шундай нақд қилдиларки, ҳар вақт Занги Ота зиёратларига келганимда муборак қабрларидан аллоҳ, аллоҳ, деган овоз эшиттардим. У киши Боб Арслоннинг набиралари, Тож Ҳожанинг фарзандлари эди. Оталари ҳаётлик даврида ота ҳимояларида, ота вафотларидан сўнг эса падар ишоратларига кўра Ҳақим Ота хизматларида бўлганлар. Ҳақим Ота вафотларидан сўнг у кишининг замиқлари (аёллари), Вароқхонининг қизи бўлиш Анбар Онани ўз никоҳларига олганлар. Айтишларича Ҳақим Ота сиеҳбашара бўлганлар. Бир кун Анбар Она хотираларига қанийди Ҳақим Ота сиеҳ (қора) бўлмаганларида яхши бўларди, деган фикр келди. Ҳақим Отага бу ҳол аён бўлиб, шонилма, ҳали меидаи қорароққа ҳам ҳамсухбат бўлсан, дедилар. Шунинг учун Ҳақим Ота вафотларидан сўнг Анбар Она Занги Отага тушган эканлар.

Султонжон СОТВОЛДИЕВ таржимаси.

* Ҳар соҳадан бир шинил

АНГЛИЯЛИК Томас Керн оламда энг узоқ умр кўрган одамдир. Ибодатхона китобидаги маълумот бўйича у 207 йил умр кўрган.

ВЕНГРИЯДАГИ Кигишкунхалаш шаҳрида яшовчи Қамени Киш исмли аёл эридан олти боласи билан боша қолган кейин, уйда етим болаларини аёлга етказиш билан шуғулланади. Кирк йил ичда 94 ўғил-қизни ўз фарзандидей тарбиялаб, бронзадан ясалган меҳнат ордени билан тақдирланган.

ОЛИМЛАРНИНГ тадқиқотлари шунини кўрсатадики, тани соғ ёш одамнинг суяклари жуда мустаҳкам бўлиши аниқланган. Уларни қаттиқ сиққанда темир бетондан 4—5 ҳисса, икки томонга қараб торғанда эса эмен дархатидан ҳам мустаҳкамлиги исботланган.

ЕВРОПАДАГИ энг узун одам австриялик Виннимайер бўлиб, унинг бўйи 2 метр 13 сантиметр келади.

СПЕКТРОСКОПИЯ орқали текширилганда одам танасида ҳар турли металл бўлиши аниқланган. Жумладан, юракда — мис, алюминий, темир; ўпкада — мис, алюминий, титан; ошқозон ости безида — кобальт, никель, кўрошин; жигар ва бўйракда — мис, кўрошин, кумуш, қора жигарда кумуш, қалайи, мис, мияда — қалайи, уйку безида — қалайи, мис, кўрошин, марғумуш мавжуд экан.

Қидирбой ТУЛАБОВ.

* Турмуш лавҳалари

АЖОЙИБ ИНЪОМ

ХОНАДОНДАГИ ўнта товуқдан бири курак бўлди. Ўнта тухум бостиришган эди орадан бир қанча вақт ўтгач бири-кетин қирқиллашиб жужалар чичиб кела бошлашди.

Қарагин болам, табиат нақадар саҳий, — деди Қудрат бува набирасига. — Шунча товуқдан фақат биттасига бола очиб, она бўлиш бахти мўъсас бўлди. Ажойиб инъом табиатиди она товуқнинг табииатидаги ўзгариш айтмайсизми. Ортдан жужаларни эргаштириб донлатади, сувга бирга

олиб боради. Ташқаридан қаралса бу гўё оддий ҳолат туюлиши мумкин. Лекин она товуқ ўзида қандайдир куч-қудрат сезаётгани ақлоқ билиниб туради. Чунки жужаларга биронта хавф сезилиши билан дарҳол қанотларини кериб, кучи етмасга ҳужумга шайланади. «Қо-қо»лаб ақинига ҳеч кимни йўлатмасликка ҳаракат қилади.

Жонивор шу тариқа жужаларни воияга етказиб, яна аввалги ҳолатига қайтди. Мана шундай дамларда мўъжизакор табиятга таъзим қилгинг келади.

Саъдулла ШОДИЕВ.

қолган экан. Уларни сошлаш учун Тошкентдаги маъний сошлаш тех-

* Раҳмдил ва муруватли бўлайлик

БАРАКА ТОПИНГ, УСТА!

никаси йдорасидан келган уста Аҳат Исмаҳамедов ишни бити-

Фахриддин НУРИДИНОВ, уруш ва меҳнат фаҳрийси.

* Табиат неъматлари

ХОСИЯТИ ШУНЧАЛИ КЎПКИ...

Меваси қимёвий таркибида қанд, ошловчи моддалар, оқсил, гликозид, кумарин, органик кислоталар, С дармондориси, минерал тузлар (калий, фосфор, кальций, мағний ва темир) жо бўлган. Жилон жийдадаги рутин қон томирларини кенгайтиради, уларнинг деворчалари-

изли дамлама пешоб ҳайдаш хосиятига эга. Бош ҳамда юрак атрофидидаги оғриқларни йўқотишда, қон таркибидаги холестерин миқдорини қамайтиришда наф беради. Демак, паршиохотирлики хасталигига ҳам яхши омил ҳисобланади.

Жилон жийда соч тўкили-



«Шарқ гули» тинувчиллиги бирлашмасида янги ташкил топан халқ фольклор этнограф ансамбли фаолият кўрсатаётганига кўп бўлгани йўқ, аммо бераётган концерт дастурларидан бирлашма чеварлари хурсанд. Унга бирлашма клуби бошлиғи Азиза Раҳимжонова раҳбарлик қилмоқда.

СУРАТДА: А. Раҳимжонова ансамбли қатнашчилари билан янги дастурларини намоиш қилиш арафасида.

Равиля Альбеков суради.

